Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 10-dekabr, seshanba № 149 (3342)

10 декабр — Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

## Халқимизнинг қудратли қўшиғи

***Одатда энг муқаддас тушунчалар ҳақида сўз кетганда, аввало, туғилиб ўсган Ватанимизни тилга оламиз. Дарҳақиқат, Ватандан ўзга нажот, халқ меҳридан улуғроқ саодат йўқ. Зеро, Ватан биз, фарзандлар учун она каби мўътабар, ота каби ардоқлидир.***

...Ҳар тонг давлатимиз мадҳияси садолари остида янги кунни қаршилар эканмиз, қалбимизда беихтиёр ана шундай ёруғ туйғулар жўш уриши табиий. Ҳа, мадҳиямизда инсонни сеҳрловчи, энг эзгу туйғуларни жунбушга келтирувчи соҳир қудрат ва жозиба бор. У бизни бунёдкорликка, яратувчиликка ундайди, эзгу ишларга даъват этади. Мадҳиямизни тинглаганда ва ижро этганда қалбимизда шу муқаддас замин фарзанди эканлигимиздан бир дунё ғурур, фахр-ифтихор, шукроналик, буюк ва жонажон Ватанимизга меҳр-муҳаббат туйғулари жўш уради.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонунда белгиланганидек, мадҳиямиз давлат суверенитетининг рамзи, унга катта эҳтиром билан қараш ҳар бир юртдошимизнинг ватанпарварлик бурчидир. Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, мамлакатимизда яшаб турган бошқа шахслар ҳам мадҳиямизни ҳурмат қилиши шарт.

Бугун Ватанимизнинг бу муқаддас қўшиғи ҳар биримизнинг миллий ғуруримизга, фахру ифтихоримизга, ҳаётимизнинг ажралмас бир бўлагига айланиб, онгу қалбимиздан мустаҳкам жой олди.

Миллий мадҳиямиз садолари давлатимиз раҳбарининг турли мамлакатларга расмий ташрифлари чоғида, Ўзбекистонга келган хорижий мамлакатларнинг давлат бошлиқларини кутиб олиш маросимларида, юртимизда ўтаётган умумхалқ байрамларида, спорт мусобақаларида ва спортчиларимиз халқаро мусобақаларда шоҳсупага кўтарилганда баралла янграмоқда.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеъри, Ўзбекистон халқ артисти, атоқли композитор Мутал Бурҳонов мусиқаси асосида яратилган мадҳиямизда халқимизнинг эзгу орзу-умидлари, келажакка мустаҳкам ишончи теран ифодаланган. Унда мардона ва шарафларга бой ўтмишимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз, тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик ва биродарлик каби умуминсоний туйғулар тараннум этилган. Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг, буюк Ўзбекистонимизнинг истиқболи йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари унинг жарангдор оҳанглари замирида мужассам.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқимизнинг маънавиятини юксалтириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мадҳиямиз ёшларимизда Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, миллий ўзлигимизга чуқур ҳурматни шакллантиришда, фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол ва етук инсонлар бўлиб вояга етишида муҳим тарбиявий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Ватан ҳақида қўшиқлар кўп. Аммо давлатимиз мадҳиясининг жозибаси, сеҳри ўзгача. Мадҳиямизни тингларканмиз, вужудимизда фахр-ифтихор туйғулари жўш уради. Қўлимизни кўксимизга қўйиб, бу қудратли ва муқаддас қўшиққа жўр бўламиз:

Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

**Абдужалол ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн учинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси 2013 йил 12 декабр куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2013 йил 11 декабр куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

## 2014 йил — Соғлом бола йили



### Янгиликлар оқимидан

**ТОШКЕНТ**

***Тошкент Молия институти қошидаги Молия академик лицейида Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишлаб тадбир ташкил этилди. Унда ҳудуддаги «Обод» маҳалласи фаоллари ҳамда таълим маскани ўқитувчи ва ўқувчилари қатнашди.***

#### ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ НАМОЙИШИ

Тадбирни лицейнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Ғайрат Эргашев кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Республикаси мадҳияси ўқувчилар томонидан куйланди. Сўнгра «Фидокорлар» ва «Адолат» гуруҳлари ўртасида учта шарт бўйича беллашув бўлиб ўтди. Гуруҳлар аъзолари ўз чиқишларида Конституциямизнинг тарихий аҳамияти, Конституция ва ҳуқуқий маданият, суд-ҳуқуқ тизими, уни ислоҳ қилиш ва либераллаштириш жараёнлари ва бошқа мавзуларда ўз билимларини намойиш этишди.

**Ўз мухбиримиз**

**АНДИЖОН**

***Хўжаобод туманидаги «Барчиной» хусусий корхонасида тикилган трикотаж ва кийим-кечак маҳсулотлари нафақат юртимиз, балки дунё бозорида ҳам харидоргир бўлиб бормоқда.***

#### «БАРЧИНОЙ» МАҲСУЛОТЛАРИ

Матоси тоза ўзбек пахтасидан тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати ва бежиримлиги мижозларни ўзига ром этмоқда. Жорий йилнинг 1 ноябр ҳолатига кўра, хусусий корхонада 11 млрд. 50 млн. сўмлик кийим-кечак ишлаб чиқарилди. Шундан 7 млрд. 570 млн. сўмлиги хорижга экспорт қилинди.

Корхонада асосан хотин-қизлар меҳнат қилади. Уларнинг меҳнат муҳофазаси ва дам олиш шароитлари кўнгилдагидек, турли имтиёзлар яратилган. Ишчи-аёлларга ишга қатнашлари учун махсус транспорт воситаси ҳамда бепул тушлик ташкил этилган.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

### «Касаба сайр» меҳмонлари

***Ўзбекистон ўзининг тарихий-маданий мероси, меъморий обидалари, замонавий шаҳарлари билан халқаро сайёҳлик бозорида алоҳида мавқега эга. Бой ўтмишимиздан далолат берувчи қадимий ёдгорликлар, замонавий бинолар, жойларда фаолият кўрсатаётган миллий ҳунармандлик марказлари ҳудудларда туризмни ривожлантиришга ҳам кўмаклашмоқда.***

## «Ўзбекистонда қалбимиз қувончга тўлди»



Мамлакатимизда туризмни янада ривожлантириш, туристик хизматлар сифатини замон талабларига мос равишда ташкил этиш муҳим аҳамият касб этаётир. Бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тизимидаги «Касаба сайр» шўъба корхонаси олиб бораётган ишлар эътиборга лойиқ.

Яқинда Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида меҳнат қилаётган ходимлардан 50 нафарининг мамлакатимизга саёҳати уюштирилди. Қозоғистон касаба уюшмалари қошидаги «Акмала» турист, «Чимкент», «Павладор» сайёҳлик корхоналари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу саёҳат ниҳоятда мазмунли бошланди.

Қозоғистонлик меҳмонлар саёҳатни Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда Амир Темур хиёбонидан бошлашди. Соҳибқирон бобомиз бунёд этган давлатчилик сиёсати ва маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорлик, музейда сақланаётган темурийлар даврига оид турли буюмлар, осори-атиқалар саёҳатчиларда катта таассурот қолдирди. Улар темурийлар ҳукмронлиги даври ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлишди.

Куннинг иккинчи ярмида сайёҳлар Ўзбекистон Давлат санъат музейида бўлишди. Бу ерда улар музейда сақланаётган қимматли экспонатлар, санъатимиз дурдоналари билан яқиндан танишдилар. Айниқса, музейда ташкил этилган, Успенский номидаги мусиқа ва санъат мактабининг ёш ижрочилари иштирокидаги маданий тадбир уларга хуш кайфият улашди. Ёш ижрочиларнинг турли чиқишларини кўрган меҳмонлар ўтмиши бой ўзбек санъатининг келажаги ҳам буюклигини эътироф этишди. Шундан сўнг, истиқлол даврида бунёд этилиб, шаҳримиз фахрига айланган бир қатор бинолар кўздан кечирилди. Жумладан, Хасти Имом мажмуаси, Мустақиллик майдонидаги ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва Эзгулик монументи, «Мотамсаро Она» ҳайкали зиёрат қилинди. Дарвоқе, Тошкентдаги қозоқ адиби — Абай номли кўча меҳмонлар эътиборидан четда қолмади. Ўзбек ва қозоқ халқларини кўп асрлик қардошлик ришталари, муштарак тарих ва тақдир, маънавий ва маданий қадриятлар, ўхшаш тил ва менталитет бирлаштириб туради. Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасининг янги биноси ва қозоқ адабиётининг буюк намояндаси Абай Қўнонбоев ҳайкалининг очилиши пойтахтимиз ҳуснига-ҳусн қўшди. Ўзбек ва қозоқ халқлари муштарак қадриятларининг яна бир ёрқин тимсолига айланди.

***(Давоми 4-саҳифада).***

### Давра суҳбати

***Юнусобод туман тиббиёт бирлашмасида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат сиёсий тизимида кўппартиявийликни ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашнинг пойдевори» мавзуида ўтказилган давра суҳбати Бош Қомусимизнинг 21 йиллик байрамига бағишланди.***

## Мустаҳкам ҳимоямиз бор

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда оилавий поликлиника ва шифохоналар ходимлари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Дастлаб тармоқ ходимлари Марказий кенгаши раиси Фарҳод Ханапияев йиғилганларни касаба уюшма ташкилотлари вазифалари, тизимда олиб борилаётган такомиллаштириш ишлари билан яқиндан таништирди. Сўнгра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Комил Очиловнинг мавзу юзасидан маърузаси тингланди. Нотиқ, Конституция мазмун-моҳияти ҳақида гапирар экан, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари энг олий қадрият сифатида белгилаб қўйилганини алоҳида таъкидлади.

Тадбир доирасида байрам муносабати билан пойтахтдаги тиббиёт муассасаларида самарали фаолият юритаётган илғор ходимларга Марказий кенгашнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Гўзал НОРЧАЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

### Тадбир

## Жонли мулоқот

***Самарқанд вилоятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб санъаткорлар, бадиий жамоалар, ёзувчи-ю шоирлар, олим ва мутахассислар билан аҳоли ўртасида маданий-маърифий, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилди.***

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг масъуллигида бир ҳафта мобайнида ўтказилган тадбирлар аҳоли, айниқса, ёшлар томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди, — дейди ЎзКУФКнинг маданий-маърифий ишлар бўлими бош мутахассиси Эътиборхон Раҳмонова. — Тарғибот гуруҳи аъзолари сафида Самарқанд вилояти маънавият тарғибот маркази раҳбари С.Санақулов ҳамда бир қатор эл суйган адабиёт ва санъат намояндаларининг борлиги тадбирга ўзгача кўтаринкилик бағишлади.

«Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳияти», «Конституция — ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати», «Конституция ва миллий қадриятларимиз», «Инсон омили: Конституция ва маънавият», «Бахтимиз қомуси ва ободлик дастури», «Конституция — юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори» каби мавзуларда ўтган маданий-маърифий тадбирларда Асосий Қомусимиз мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимиз тараққиёти ва турмушимиз фаровонлигини юксалтиришнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб келаётгани алоҳида эътироф этиб ўтилди.

***(Давоми 4-саҳифада).***

### Обуна — 2014

***Йилимиз ҳам охирлаб боряпти. Корхона, ташкилот, муассасаларда Обод турмуш йилида амалга оширилиши кўзда тутилган режалар ижроси таҳлил қилиниб, сарҳисоб ишлари бошлаб юборилди. Бу борада Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида ҳам қатор ибратли жиҳатларни кўриш мумкин.***

## Ошкора фикрлашиб олинди

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг жорий йил 25 январдаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг 2012 йил якунлари ва 2013 йилдаги устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилган аниқ вазифаларни амалга ошириш борасида муайян ютуқларга эришилди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ижтимоий шериклик кўламини кенгайтириш мақсадида ҳудуддаги йигирмага яқин давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани ҳолда ишлаб чиқилган келишувлар, қўшма тадбирлар асосида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга муваффақ бўлинди. Жумладан, жорий йилнинг ортда қолган уч чорагида вилоят бўйича 159 та нодавлат сектор корхона ва ташкилотларида фаолият кўрсатаётган 1418 нафар ходим касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди.

Эътиборлиси, юридик шахсларни касаба уюшмалари аъзолигига жалб қилиш ва шу орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш масалаларида вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ўртасида тузилган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2013—2015 йилларга мўлжалланган ҳудудий келишув ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Айни пайтда, шаҳар ва туманлар миқёсида 13 та ҳудудий тармоқ келишуви, бевосита корхона ва ташкилотларда эса 5889 та жамоа шартномаси амал қилмоқда.

Ушбу жараёнда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик давр талабларига мос, ҳаёт билан ҳамнафас қадам ташлашда муҳим аҳамият касб этаётганлиги эътироф этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2013 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари ташкилотларида республика босма нашрларига 2014 йил учун обунани ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида кўпгина ишлар қилинди.

***(Давоми 3-саҳифада).***

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз

2014 йил учун обуна бўлишни унутманг!
Нашр индекси — 133

Ishonch
2013-yil 10-dekabr № 149 (3342)

■ Акция

# Катта ҳаётга — касаба уюшмаси билан

**Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Катта ҳаётга — касаба уюшмаси билан» акцияси мамлакатимизнинг кўпгина олий ўқув юртларида уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ташкил этилди.**

**Тошкент ахборот технологиялари университети** талабалари билан Алоқа музейида бўлиб ўтган акцияда касаба уюшма фаоллари, университет ўқитувчи ва талабалари иштирок этишди.

— Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан бири. Зеро, 6 млн.га яқин касаба уюшма аъзосининг эллик фоизи ёшлардир, — деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев. — Уларнинг манфаатларини ҳимоялаш, кейинги фаолиятларида ҳам яқин кўмакчи бўлиш сафларимиз мустаҳкамлигига хизмат қилади, албатта.

Тадбирда касаба уюшма фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилиб, талабаларнинг саволларига атрофлича жавоб берилди.

— Ушбу тадбир ҳуқуқий билимимни кенгайтиришда ёрдам берди, — деди университетнинг 4-босқич талабаси Наргиза Илмурадова. — Меҳнат қонунчилигидаги имтиёз ва кафолатлар ҳақида кенг маълумотга эга бўлдим. Билдимки, келажакда бирон-бир корхонага ишга кирганимизда касаба уюшмаси манфаатларимизни оғишмай ҳимоя қилади.

— Тўрт йилдирки, касаба уюшма аъзосиман. Гуруҳимиз номидан вакил сифатида талабаларга тизимда содир бўлаётган янгилик ва ўзгаришлар ҳақида маълумотларни етказаман, — дейди университетнинг компютер муҳандислиги факултети 4-босқич талабаси Сухроб Юсупов. — Ўқув йили давомида касаба уюшмаси томонидан турли тадбир ва танловлар уюштириб турилади. Мазкур акция касаба уюшмалари ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлишимизга ёрдамлашди. Сўзга чиққанлар ўз ҳуқуқимизни билиш, иш берувчи ва касаба уюшмаси ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солувчи жамоа шартномаси ҳақида батафсил тушунча беришди.

Университет бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Д.Мирзаеванинг таъкидлашича, ҳозирда университетда аъзолар 7190 нафарни ташкил этади. Улардан 939 нафари ишчи-ходим, 6201 нафари талабалардир. Университет бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси Ёшлар кенгаши Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ёшларга оид сиёсатини қўллаб-қувватлаган ҳолда талабаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларни касаба уюшма аъзолигига жалб этиш, касаба уюшма фаолларини тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратаётир.

Тадбир якунида талабалар иштирокида уюштирилган маданий тадбир барчага хуш кайфият улашди.

**Нарзулла МАҲАМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

**Термиз Давлат университетида** ташкил этилган тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Касаба уюшмаларида олиб борилаётган ислоҳотлар, эришилган ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар акс этган кўргазма қатнашчиларнинг тизим борасидаги тасаввурини кенгайтирди.

Тадбирни Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Н.Ёқубов кириш сўзи билан очди. ТерДУ профессори, тарих фанлари доктори Ш.Шайдуллаев ўқув жараёни, бунёдкорлик ишлари, битирувчи талабалар олдидаги масъулиятли вазифалар ҳақида батафсил тўхталди.

Сўнгра вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари Қ.Боболов, университет касаба уюшма қўмитаси раиси О.Бегимқулов касаба уюшмаларида олиб борилаётган намунали ишлар ва ибратли тадбирлар ҳақида атрофлича маълумот беришди. Тадбир иштирокчилари касаба уюшмаларига аъзолик афзалликлари ҳамда касаба уюшмалари томонидан ходимларга яратилаётган имтиёз ва кафолатлар тўғрисида тасаввурга эга бўлишди.

Қизиқарли савол-жавобларга бой тарзда ўтган акция иштирокчиларидан 5 нафарига касаба уюшмаларининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши эса **Навоий Давлат педагогика институтида** талабалар иштирокида акция ташкил этди.

Унда бирлашма бўлимлари мутахассисларининг касаба уюшмаларига аъзо бўлишнинг афзаллиги, жамоа шартномалари орқали бериладиган имтиёзлар, ёшлар учун меҳнат қонунчилигидаги кафолатлар, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, маданий-маърифий, спорт тадбирлари ва ходимларнинг соғломлаштирилишини ташкил этишда касаба уюшмаларининг ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди. Тадбир доирасида талабалар томонидан берилган кўплаб саволларга мутахассислар томонидан жавоб берилди.

Талабаларга ЎзКУФК томонидан ажратилган «Касаба уюшмаларига аъзо бўлишнинг афзаллик ҳамда имтиёзлари» номли ва бирлашма бўлимлари томонидан тайёрланган буклетлар тарқатилди.

Акция доирасида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан таъсис этилган стипендия соҳибларига дипломлар топширилди. 16 нафар фаол ва иқтидорли талаба касаба уюшмаларининг қимматбаҳо совғаларига сазовор бўлди.

**Маҳбуба ҚАМБАРОВА,**
**Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси етакчи мутахассиси**





* * *

**Наманган Давлат университетида** «Катта ҳаётга — касаба уюшмаси билан» акцияси доирасида ўтказилган тадбир аҳолимизнинг 60 фоиздан зиёдини ташкил этувчи ёшларнинг нақадар катта куч эканини яна бир бор исботлади. Унда таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ходимлари, Ёшлар кенгаши аъзолари ҳамда битирувчи босқич талабалари фаол қатнашди.

Таъкидлаш ўринлики, жорий йилнинг шу даврига қадар «Обод турмуш йили» Давлат дастурига кўра қишлоқ жойларида ёш оилалар учун тикувчилик, хизмат кўрсатиш, хусусий тадбиркорлик, компютер хизмати, косибчилик ва бошқа соҳаларда касаба уюшмалари ва ҳомийлар ҳисобидан 34 та янги иш ўрни яратишга эришилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 151 нафар талаба учун шартнома пулларининг бир қисми корхона ҳисобидан қоплаб берилди. 1833 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчисига касаба уюшмалари маблағидан 50.36 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган кам таъминланган иқтидорли талабалардан 40 нафарига касаба уюшмаларининг стипендияси берилди. Корхоналарда эндигина иш бошлаган ходимлар билан самарали ишлаш мақсадида Ёшлар кенгашлари фаолият олиб бормоқда.

Акцияда вилоят КУТБ бўлим мудирлари томонидан тегишли мавзуларда тақдимотлар намойиш этилиб, кенг тушунтиришлар берилди. Талаба ёшлар яратилаётган имкониятларга жавобан илм-фан, техника, ахборот технологиялари, маданият, санъат, спорт, тадбиркорлик каби соҳаларда илғор бўлишга интилишаётганини баён қилишди.

Тадбир доирасида иштирокчилар НамДУ бошланғич касаба уюшма қўмитаси фаолияти билан яқиндан танишишди.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши томонидан **Бухоро муҳандислик-технологиялари институтида** ташкил этилган тадбирни ректор У.Муҳаммедхонов очиб берди. Шундан сўнг вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг тарғибот гуруҳи аъзолари «Касаба уюшмаларига аъзо бўлишнинг афзаллик ҳамда имтиёзлари», «Ходимлар учун жамоа шартномалари орқали бериладиган имтиёзлар», «Ёшлар учун меҳнат қонунчилигидаги имтиёз ва кафолатлар», «Хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш — хавфсиз ҳаёт гарови», «Маданий-маърифий, спорт тадбирлари ва ходимлар соғломлаштирилишида касаба уюшмаларининг ўрни» мавзуларида маърузалар қилишди. Мавзуга оид слайдлар намойиши талабаларда қизиқиш уйғотиб, ўз саволларига мутахассислардан жавоб олишди.

Тадбирда талабаларга касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини тарғиб этувчи буклетлар тарқатилди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан таъсис этилган стипендияга 2013-2014 ўқув йилида лойиқ деб топилган институтнинг кимё технологиялари факултети 2-босқич талабаси Шаҳноза Имомовага гувоҳнома топширилди.

Институт «Қувноқлар ва зукколар» жамоасининг чиқиши даврага ўзгача шукуҳ бахш этди.

**Вилоят КУТБ Ёшлар кенгаши**

* * *

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллиги муносабати билан уюштирилган «Катта ҳаётга — касаба уюшмалари билан» акциясида хоразмлик ёшлар ҳам фаол иштирок этдилар.

**Урганч Давлат университети** маданият саройида бўлиб ўтган тадбирни университет ректори, профессор Рўзимбой Эшжонов кириш сўзи билан очиб, Бош Қомусимизнинг ҳаётимизда тутган ўрни, унда кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни касаба уюшмалари томонидан ҳаётга татбиқ қилиниши борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар хусусида муфассал тўхталди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Камолжон Бекжонов ўз сўзида ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор жиҳатларидан бири экани, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан кейинги йилларда ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳақида гапирди.

Бирлашма бўлим мудирларининг касаба уюшма фаолиятига оид қатор мавзулардаги чиқишлари талабаларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, УрДУ касаба уюшма қўмитаси раиси Олимбой Отажонов илм масканида ижтимоий шериклик тамойиллари асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга эътибор қаратди. Ректорат ва касаба уюшма ўртасида мустаҳкам алоқа аъзоларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Йилнинг ўтган даврида маъмурият ижтимоий ҳимояга 1 млрд. сўмга яқин маблағ сарфлагани бунинг яққол далилидир.

Тадбирда вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари О. Оллаёров «Конституция — мустақилликнинг ҳуқуқий пойдевори» мавзусида маъруза қилди.

Ўндан зиёд талаба ёшлар сўзга чиқиб, Бош Қомусимиз берган имкониятларни эътироф қилган ҳолда, касаба уюшмалари улар ҳаётида қандай аҳамият касб этиши, имтиёзлардан фойдаланаётгани ва келажакдаги фаолияти касаба уюшмалари билан бевосита боғлиқлигини таъкидлаб ўтдилар.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

**Жиззах политехника институтида** ташкиллаштирилган акцияда талабалар, профессор-ўқитувчилар ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирок этишди. Уни институт проректори Нормурод Алимов кириш сўзи билан очиб, шундай деди:

— Бундан ўттиз беш йил муқаддам Тошкент политехника институтининг филиали сифатида ташкил топган мазкур таълим муассасаси мустақиллик йилларида Жиззах политехника институти мақомини олди ва ҳар томонлама юксалди. Обод турмуш йилида 2,5 млрд. сўмлик маблағ ҳисобига ўқув ва ёрдамчи бинолар замонавий реконструкция қилинди, минг ўринли ўқув-лаборатория биноси қурилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар замирида, аввало, ходим ва талабаларимизга ўқиш ва меҳнат қилиши учун зарур шароит яратиш орқали юқори самарадорликка эришиш ётибди. Касаба уюшма ташкилотлари олдида турган энг муҳим вазифалар ҳам шундан иборат.

Тадбирда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари Аъзам Ихтиёров сўзга чиқиб, энг оммавий жамоат ташкилотининг мақсад ҳамда вазифалари, фуқаролик жамияти қуришдаги ўрни, тизимда кечаётган изчил ва самарали ислоҳотларга тўхталди.

— Битирувчи талабанинг келгуси ҳаётида ҳуқуқий саводхонлик ва чуқур билимга эга бўлиш ҳамиша асқотади. Аввало, ҳақ-ҳуқуқини яхши англаган ходим энг фаол касаба уюшма аъзоси бўла олади, — деди у масала моҳиятига эътибор қаратиб.

— Институтимиз қошида «Политехник» клуби фаолият кўрсатиб келмоқда, — деди касабақўм раиси Қ.Такабоев. — Ҳозирда ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида фаолият юритаётган собиқ талабалар билан яқин алоқа ўрнатиш, доимий ҳамкорликда иш олиб бориш клубимизнинг асосий мақсади саналади. Шу билан бирга, клуб битирувчи талабаларни эгаллаган мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга яқин яқиндан ёрдамлашмоқда.

Тадбир доирасида фаол касаба уюшма аъзолари — талаба- ёшлардан бир гуруҳига ректорат ва касаба уюшма ташкилотининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Талаба-ёшларнинг бадиий ҳаваскорлик дастаси концерти тадбирга файз бағишлади.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

**Гулистон Давлат университетида** Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудирлари, КУТБ Ёшлар кенгаши фаоллари ҳамда талабалар иштирокидаги акция кўтаринки руҳда ўтди.

Тарғибот гуруҳи раҳбари Қ.Эшназаров қатнашчиларни Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллиги муносабати билан қутлади. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси олиб бораётган ишлар, аъзоларга муносиб меҳнат шароити яратилиши борасидаги ишларга тўхталиб, бунда касаба уюшмага аъзо бўлишнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш муҳим эканини таъкидлади.

— Мамлакатимизда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини оширишда, етук мутахассис бўлиб етишиш сари интилишимизда касаба уюшмаси, унга аъзоликнинг аҳамияти ғоят муҳим. Меҳнат фаолиятимизни бошлаш арафасида турган битирувчи талабалар учун шундай акциянинг ўтказилиши айни муддао бўлди, — деди ГулДУ 4-босқич талабаси Ж.Қаршибоев.

Тарғибот гуруҳи аъзолари ҳам мулоҳазаларини билдиришди. Акция дастурига мувофиқ иштирокчилар касаба уюшма фаолиятига оид кўплаб мавзуларда мутахассислар чиқишларини тинглашди. Талабалар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

**Қарши Давлат университетида** бўлиб ўтган акцияда 200 нафарга яқин талаба иштирок этди. Тадбирда Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ходимлари тизим фаолиятининг турли жиҳатларига бағишланган мавзуларда маърузалар қилдилар.

Университет талабалар касаба уюшма қўмитаси раиси Абдусаид Норов, жумладан, шундай деди:

— Акциянинг университетимизда ўтиши битирувчи талабаларимизни катта ҳаётга йўллашда, уларнинг жамиятга билим ва кенг тушунчалар билан кириб боришини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоиз, олий ўқув юртида 5408 нафар талаба бакалавр йўналишида, 104 нафар ёш магистратура босқичида таҳсил олишмоқда. Университет талабалар касаба уюшма қўмитаси таркибий тузилмасида 8 та факултет ва магистратура бўлими, цех касаба уюшма қўмитаси ва 246 нафар гуруҳ касаба уюшма ташкилотчилари фаолият кўрсатаётир.

Маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда магистрантлар ҳамда талабаларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларга ўқиши, талабалар турар жойларида яшаши, дарс тайёрлаши, дам олиши учун етарли қулайликлар яратилган. Амалга оширилаётган ишлар жамоа шартномаси орқали назорат қилиб келинмоқда.

Акцияда талабалар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Катта ҳаётга қадам қўяр эканмиз, касаба уюшмалари ҳуқуқ ва манфаатларимизни янада кенг қамровда ифодалайди, — деди талаба Нигора Ҳайдарова. — Ҳозирда ҳам иқтидорли талабаларни рағбатлантириш, кам таъминланганларга моддий ёрдам кўрсатиш, ҳар хил маданий-маърифий ва спорт тадбирлари билан касаба уюшмалари энг яқин ҳамроҳимизга айланган.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

**Андижон Давлат университетида** бўлиб ўтган акцияда мазкур олий таълим муассасаси талабалари ва профессор-ўқитувчилари, касаба уюшма фаоллари иштирок этди.

Тадбирни Андижон Давлат университети ректори, профессор Толибжон Мадумаров кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни Конституция байрами билан табриклади.

Университетнинг «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ» кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди Шокиржон Асқаров, ходимлар ва талабалар касаба уюшма қўмитаси раиси Иброҳимжон Абдуғофуровлар маъруза қилишди. Шундан сўнг иқтидорли талабалардан бир гуруҳига касаба уюшма қўмитасининг стипендиантлик ёрлиқлари топширилди. 1-босқич талабалари касаба уюшма сафига қабул қилинди.

— Бу мукофотлар бизга ўқиш ва ишда янада катта масъулият юклайди, — дейди университетнинг 4-босқич талабаси Муроджон Ботиров. — Президентимиз кўп бор таъкидлаганидек, келажак ёшлар қўлида. Университетимизда таълим олиш учун барча шароит муҳайё. Ушбу мулоқот кейинги меҳнат фаолиятимизда касаба уюшмаларининг тутган ўрнини англашимизда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудирларининг фаолиятга оид турли мавзулардаги маърузалари талабалар диққат марказида бўлди.

Андижон Давлат университети мусиқий йўналиш талабалари ва вилоятдаги таниқли санъаткорлар иштирокидаги байрам концерти иштирокчиларга юқори кайфият улашди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши томонидан **Фарғона Давлат университети**да битирувчи босқич талабалари иштирокида «Катта ҳаётга — касаба уюшмаси билан» акцияси ўтказилди.

Тизим ҳаёти, эришилган ютуқлар, истиқболдаги вазифаларни ёритувчи кўргазмали бурчак талабаларда касаба уюшмаларида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ҳақида тасаввур уйғотди.

Тадбирда университетнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича бўлим бошлиғи Ф.Отақулов, касаба уюшма қўмитаси раиси Т.Юлдашев, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари В.Азизов, бирлашма кенгашининг етакчи мутахассиси, Ёшлар кенгаши раиси К.Сатторов қатнашди.

Бирлашма кенгашининг тарғибот гуруҳи аъзолари томонидан касаба уюшмаларига аъзо бўлишнинг афзаллиги, ходимлар учун жамоа шартномалари орқали бериладиган имтиёзлар, ёшлар учун меҳнат қонунчилигидаги имтиёз ва кафолатлар, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ва бошқалар ҳақида талабаларга кенг тушунча берилди.

Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан тегишли жавоблар олдилар.

**Вилоят КУТБ Ёшлар кенгаши**

* * *

**Ўзбекистон Миллий университетида** ҳам «Катта ҳаётга — касаба уюшмаси билан» акцияси доирасидаги тадбир уюшқоқлик билан ташкил этилди. Уни университет проректори Баҳодир Шоймқулов очиб берди. Шундан сўнг Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Равшан Бедилов сўзга чиқиб, Конституциямизнинг мазмун-моҳияти ва касаба уюшмалари фаолиятининг конституциявий кафолатларини ёшларга етказиш борасида қилинаётган ишлар хусусида тўхталди.

Тадбир доирасида касаба уюшма фаоллари тизим фаолиятига оид мавзуларда маърузалар қилишди. Талабаларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

— Бугунги тадбир биз, талабаларда катта таассурот қолдирди. Чунки, университетни тугатиб, бирор ташкилот ёки муассасада фаолият бошлаганимизда биринчи галда, албатта, касаба уюшмасининг қўллаб-қувватлашига эҳтиёж сезамиз, — деди университет талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Юлдуз Зоирова. — Шундай экан, касаба уюшмаси фаолияти ходимлар, айниқса, ёш мутахассисларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва меҳнат муҳофазасига қаратилаётгани билан аҳамиятлидир.

**С.АБДУРАҲМОНОВ.**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

# Ошкора фикрлашиб олинди

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Кейинги пайтда таҳририят ходимларининг газетхонлар ҳузурига тез-тез ташриф буюриши яхши анъанага айланиб бормоқда. Яқинда шундай тадбирлардан бири вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида бўлиб ўтди. Ташкил этилган давра суҳбати мавзуи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашрлари — «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари мазмун-моҳияти, касаба уюшмалари фаолиятида қалам аҳлининг роли, газетхон муносабати, таҳририят ходимлари билан ҳамкорликни янада кучайтиришга қаратилди. Қуйида иштирокчилардан айримларининг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

**Махсуд ШУКУРОВ, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари:**

— Халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланиб бораётгани сайин маънавияти ва дунёқараши ҳам кенгаймоқда. Кейинги йилларда жамиятимизда касаба уюшмалари роли, мавқеи ҳам кескин ошганлиги барчага аён. Соҳамиздаги ютуқларни тарғиб қилиш, илғорлар тажрибасини кенг оммалаштиришда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газетасининг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Шу боис, мазкур нашрларга қизиқиш тобора ортиб, обуначилар сони кўпаймоқда. Кези келганда, янги йил обунасини ташкил этишда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш, таълим, фан ва маданият, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари ташкилотлари ибрат бўлишаётганини таъкидлашни истардим.

Истардимки, газеталаримизда адабиёт ва маданият соҳасига кўпроқ эътибор қаратилса. Иложи бўлса, ойда бир марта «Адабиёт ва санъат» саҳифаси бериб бориш йўлга қўйилса. Ривожланган давлатлар касаба уюшмалари фаолиятидан ҳам материаллар бериб, улар тажрибасидан ҳам хабардор этилса, кўнгилдаги иш бўларди.

**Ибодулла КАРИМОВ, Қоракўл туманидаги 22-умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси:**

— Оддий қишлоқ ўқитувчисиман. Газета-журнал ўқиш жони-дилим. Айниқса, «Ishonch»га меҳрим бўлакча. Ушбу газетани 1991 йилдаги 1-сонидан бошлаб ўқиб келаман. У менинг ҳамроҳим ва маслаҳатчим. Касаба уюшма хонасида барча йиллардаги газетамизнинг йиғма жилдлари мавжуд. Бўш пайтимизда касбдошларимиз билан ўқиб, саволларимизга жавоб топамиз. Ҳар бир янги сонни орзиқиб кутамиз.

Кейинги йилларда «Ishonch»нинг мазмун-мундарижаси, дизайни ижобий томонга ўзгарди. Айниқса, улардаги ҳуқуқий савол-жавоблар, вилоятлардаги янгиликлар, касаба уюшма аъзоларига берилаётган қўшимча имтиёзлар, табиат ва экология тўғрисидаги мақолалар бизга ғоят манзур бўлмоқда.

Имкониятдан фойдаланиб, баъзи бир мулоҳазаларимни айтсам. Газета саҳифаларида оддий қишлоқ муаллимлари, уларнинг қувонч ва ташвишлари тўғрисида ёзиб турилса, айни муддао бўларди.

**Аҳмад ОСТОНОВ, Шофиркон туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси:**

— Фаолиятимизни давр талаблари даражасида олиб боришда ўз нашримизнинг ўрни беқиёс. Унда чоп этилаётган ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий мавзулардаги мақолалар, соҳа етакчи мутахассисларининг чиқишлари, илғорлар тажрибаси тарғиботи бизни мамнун этмоқда. Шу боис ушбу газеталарга ҳар йили биринчилардан бўлиб обуна бўламиз ва ҳар сонини севиб ўқиймиз.

Газеталарнинг янги йил сонларида ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, тиббиёт соҳаси касаба уюшма аъзоларига йўлланмалар сонини кўпайтиришга, кам таъминланган оилаларга ижтимоий жиҳатдан эътибор янада кучайтирилса, яхши бўларди. Газетада «Саломатлик масканларида» янги рукни очилишини истардим. Шунингдек, газетада босилаётган спорт хабарларининг аксарияти мамлакат миқёсидаги мақолалардан иборат бўлиб қолаяпти. Улар қаторидан қуйи ташкилотлар фаолиятидаги спорт-соғломлаштириш ишларига эътибор қаратилса, айни муддао бўларди.

**Равшан ОБЛОҚУЛОВ, вилоят молия бошқармаси касаба уюшма қўмитаси аъзоси:**

— Матбуот халқ билан жамият ўртасидаги маънавият кўприги ҳисобланади. Бу ўринда касаба уюшмаларининг нашрлари ўз олдига қўйган вазифасини етарлича бажараяпти, деб ўйлайман. Чунки уларнинг саҳифасидан ўрин олаётган материаллар барчамизга манзур бўлаяпти.

Мазкур газеталарнинг янги йил сонларида бошланғич ташкилотлар фаолиятига янада кўпроқ ва кенгроқ эътибор қаратилишига, ҳуқуқий савол-жавоблар кўпайтирилиши, тизимда бўлаётган янгиликлар, ўзгаришлар батафсил ёритилишига умид боғлаймиз.

**Салима ҲАМДАМОВА, Бухоро туманидаги «Бухоро пахта уруғчилиги» Ўзбекистон — Франция қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси:**

— Замонавий технология билан жиҳозланган корхонамизда 180 нафар касаба уюшма аъзоси меҳнат қилади. Иш шароитларимиз яхши. Кадрларимизнинг малакаси юқори. Маънавият хонамизда газета-журналлар, зарур йўриқномалар мавжуд. Ходимларимиз бўш пайтларида бу ерда ОАВ янгиликларидан хабардор бўладилар. Айниқса, «Ishonch» газетасида ёритилаётган бошланғич ташкилотлар ҳаёти, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, ҳуқуқий савол-жавоблар, маънавият-маърифат хабарлари зўр қизиқиш билан ўқилади.

2014 йилда газетанинг янада мазмунли, қизиқарли, ранг-баранг материалларга бой бўлишига умид қиламиз. Ташкилотимиз намунали. Биздаги сингари бошқа туман ва шаҳарларда ҳам намунали бошланғич ташкилотлар кўп. Келгусида ана шундай ташкилотларнинг иш тажрибаси кенгроқ ёритилса, ўқиб-ўргансак, муваффақиятларимиз янада кўпаярди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири**

## Тиббий маданият

**Қамаши туман ФҲДЁ бўлими томонидан ҳудуддаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Аҳоли билан учрашувларда бўлим ходимлари она ва бола ҳуқуқларини муҳофаза этиш, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, одам савдоси каби долзарб мавзуларда маърузалар қилишмоқда.**

# ...ва тиббий хизмат

Ногирон болалар туғилишининг олдини олишда никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш катта аҳамиятга эга. Давра суҳбатларида оиладаги тиббий маданият кенг тушунтирилиб, ёшларнинг тўй олдидан тиббий кўрикдан ўтишига эришиляпти. Сўнгги йилларда бу тадбир аҳоли ўртасида оммалашди. Ёшлар оила мустаҳкамлиги, соғлом зурриёдларни дунёга келтиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англаб етишмоқда.

Шунингдек, мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллиги муносабати билан ўрта таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларида «Конституция: жамиятимиз тараққиётининг муҳим ҳуқуқий асоси» мавзуида ҳуқуқий саводхонлик ойлиги ташкил этиляпти. Хусусан, 72 ва 17-ўрта умумтаълим мактаблари ҳамда Қамаши педагогика коллежида «Конституция: фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари» мавзуида иншолар танлови ўтказилди.

**Раъно ПАРДАЕВА, Қамаши туман ФҲДЁ бўлими инспектори**

## Раёсат йиғилиши

***Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсат йиғилишида жорий йил тўққиз ойи давомида амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилишни бирлашма кенгаши раиси Нусратилло Пардаев олиб борди.***

# Самарадорлик ва сифат

### касаба уюшмалари фаолияти мезони

Таъкидланганидек, ўтган даврда бирлашма томонидан касаба уюшма хизматига олинган 6664 та корхона, ташкилот ва муассасанинг 98,4 фоизида жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, 205035 нафар аъзонинг манфаати ҳимояланмоқда.

Жамоа шартномаси бандларини бажариш асносида ҳар бир ходимга сарфланган маблағ ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 111,2 фоизга ўсди. Умуман олганда, келишув ва жамоа шартномалари орқали муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, кам таъминланган 801 та оиланинг фарзандлари учун ўқув қуроллари ва дарсликлар харидига 26,1 млн., фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган ёш оналарнинг 543 нафарига 38,9 млн., 1492 та кам таъминланган оилага 63,2 млн. сўм сарфланди, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг 47 нафарига шартнома пулларининг бир қисми тўлаб берилди. Ёлғиз, кекса, пенсионер ва ногиронларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиб турилибди. Ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан санаторийларга 374 та йўлланма олиниб, шундан 37 таси бепул берилди.

Йиғилишда болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми самарали ташкил этилгани қайд этилди

Маданий-маърифий ва спорт тадбирларига алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, ўтган даврда 1215 та бошланғич ташкилотда ўтказилган «Маънавият соатлари»да 103 мингдан ортиқ ходим иштирок этган. 314 та бошланғич ташкилотда ўтказилган «Спорт — саломатлик гарови» шиори остидаги мусобақаларда 17584 нафар ишчи-ходим қатнашди. Тармоқлараро мусобақа, спартакиада, хотира турнирлари мунтазам ўтказиб келинаяпти. Туризмни ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар режасига кўра, 1716 нафар ходим ва улар оила аъзоларининг тарихий қадамжолар, истиқлол йилларида барпо этилган бунёдкорлик мажмуаларига саёҳати уюштирилди.

Бирлашма кенгаши аъзоларни ҳуқуқий ҳимоялашга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Жумладан, ўтган даврда 77 та ёзма, 36 та оғзаки мурожаат келиб тушди. «Ишонч телефони» орқали 195 та мурожаат қабул қилинди. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. «Ишонч телефони»га келган мурожаатлар таҳлили ҳар чоракда бирлашманинг веб-сайтида ёритиб борилмоқда. Сайтда «Савол-жавоблар» рукни ҳам ташкил этилган.

Касаба уюшма аъзолигига жалб этиш борасида ҳам изчил фаолият олиб борилаётир. Ўтган даврда 365 та хўжалик юритувчи субъектда 2569 киши аъзоликка тортилди.

Иш жараёнида меҳнат муҳофазаси муҳим аҳамият касб этади. Шу боис меҳнат шароитлари бўйича 361 та иш ўрни шаҳодатланиб, касб касалликларини текширишда, тиббий меҳнат-эксперт комиссиялари мажлисларида қатнашилди. Ходимлар сони эллик ва ундан ортиқ бўлган корхона ва ташкилотларда, жумладан, Дўстлик туманида учта, Зомин туманида бешта, Мирзачўл туманида учта, Пахтакор туманида тўртта умумтаълим мактабида, шунингдек, «Элита», «Жиззах агротехсервис» корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис лавозими жорий этилди.

Йиғилишда ютуқлар билан бирга қатор камчиликлар ҳам мавжудлиги эътироф этилди. Тармоқларда жамоа шартномаларининг қатор бандлари ижроси, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг вақтида тўланиши, меҳнатни муҳофаза қилишга маблағ ажратилиши долзарб бўлиб турибди. Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун ҳар бир ходимга сарфланадиган маблағ миқдори ҳам талаб даражасида эмас. Айрим тармоқ касаба уюшма ташкилотларида «Маънавият соатлари» ўтказиш, ходимларни спортга жалб қилиш, саёҳатлар уюштириш етарли даражада эмас. Нодавлат сектор ташкилотларини касаба уюшмасига жалб этишда ҳам аксарият тармоқлар сусткашликка йўл қўймоқда. Электрон ҳужжатлар билан ишлашда камчиликлар мавжуд.

Бу каби муаммоларни бартараф этишда жойлардаги касаба уюшмалари фаоллигини кескин кучайтириш, уларнинг иш берувчилар билан ҳамжиҳатлигини ошириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири**

# Ғолиблар тақдирланди

***Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида Олий аттестация комиссияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган «Журналистика — ижодий фан» танловининг якунларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

Унда «Журналистика — ижодий фан» танлови Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 28 январда тасдиқланган «2013 йилда журналистларнинг фуқаролик масъулиятини оширишга йўналтирилган ижодий танловларни ўтказиш режа-жадвали» доирасида ташкил этилганлиги, бу эса соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий давоми эканлиги қайд этилди. Бинобарин, журналистика ва ахборот соҳаларининг илмий асосларини янада такомиллаштириш, юксак савияда илмий-амалий фаолият кўрсатаётган мутахассисларни рағбатлантириш, соҳанинг назарий ва амалий йўналишларини ривожлантириш, журналистлар ҳамда талабаларда илмий ва ижодий салоҳиятни юксалтириш, кадрлар малакаси ва маҳоратини оширишга кўмаклашиш мазкур танловнинг асосий мақсадидир.

Шу билан бирга, танловда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, миллий журналистикани янада юқори даражага кўтариш ҳамда шу соҳадаги назарий ва амалий асосларни ривожлантириш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Якунда журналистика ва ахборот соҳаларида 2012-2013 йилларда нашр этилган илмий асарлар, ўқув-услубий адабиётлар, илмий-таҳлилий мақолалар, магистрлик диссертациялари муаллифлари ҳамда маҳорат марказлари иштирок этган «Журналистика — ижодий фан» танловининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда соҳада фаолият юритаётган етакчи мутахассислар, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз**

**«МРТ текстил» масъулияти чекланган жамияти Наманган вилоятидаги енгил саноатга ихтисослашган йирик корхоналардан. Наманган тумани Ровустон шаҳарчасида жойлашган корхонада 450 нафардан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг 80 фоизи касб-ҳунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлардир.**

Пахтадан юқори сифатли калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона замонавий технология билан жиҳозланган. «МРТ текстил» МЧЖ бош директорининг ўринбосари Рустам Абдуллаевнинг айтишича, корхона маҳсулотларининг 90 фоизи экспорт қилинмоқда.

**Суратда:** *корхона ишчиси Умида Мусаева.*

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат**



## Матбуот анжумани

**Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан мамлакатимизда спорт иншоотлари ва таълим масканларини бунёд этиш, уларни зарур анжомлар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

# Баркамол авлод келажаги йўлида

Унда Халқ таълими вазирининг ўринбосарлари А.Холбеков, Э.Искандаров ва бошқа мутасаддилар мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Жамғарма томонидан жойларда аҳоли, спорт машғулотига жалб этиладиган болалар сони ва ёшини эътиборга олган ҳолда болалар спорт майдончалари ва иншоотларини бунёд этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2003-2013 йиллар давомида жамғарма маблағлари ҳисобидан 1 минг 814 та иншоот фойдаланишга топширилган. Шундан 1 минг 488 таси болалар спорт иншооти, 230 таси болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда 96 таси сузиш ҳавзаларидир. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти қишлоқ жойларда бунёд этилган. Фойдаланишга топширилаётган иншоотларни тасдиқланган меъёрларга мувофиқ зарур спорт инвентар ва ускуналари билан жиҳозлаш ҳам доимий эътиборда. Жумладан, фойдаланишга топширилаётган болалар спорт объектлари, авваламбор, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарларининг 116 таси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Анжуманда спорт тадбирларини ташкил этиш ва уларга болаларни кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам сўз юритилди. Масалан, жамғарма томонидан 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида мамлакат миқёсида ўтказилган қирқдан зиёд мусобақада минглаб болалар иштирок этган. Яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ёшлар юртимиз терма жамоалари таркибига қабул қилиниб, халқаро мусобақаларда ҳам муваффақиятли қатнашиб келаётир.

Жорий йилда Германия, Франция, Италия, Хитой, Полша, Болгария, Малайзия, Таиланд, Миср, Эрон, Озарбайжон каби давлатларда ташкил этилган 39 та халқаро мусобақада 439 нафар ўқувчи-ёш иштирок этиб, 68 та олтин, 67 та кумуш ва 100 та бронза медални қўлга киритди. Уларнинг 325 нафари қишлоқ жойлардан етишиб чиққан ёшлардир.

Тадбирда журналистларга болалар спорти иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш, уларни тажрибали мураббийлар, айниқса, аёл мураббиялар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

**Н.МАҲАМОВ**

XORAZM KO'CHMAS MULK
savdo servis

**«Xorazm ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖ нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**2014 йил 9 январ куни соат 11:00 да** Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Хоразм вилояти Хўжалик судининг 22-1306/5545-сонли иш бўйича 2013 йил 4 июл куни қабул қилган ҳал қилув қарорига асосан банкрот, деб топилиб, ҳозирги кунда тугатишга доир иш юритиш олиб борилаётган «Қурилиш монтаж участкаси» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 2013 йил 30 ноябрдаги 5-сонли йиғилиши баённомаси қарорига ва тугатиш бошқарувчисининг 2013 йил 9 декабрдаги GM/5545-93-сонли хатига асосан Урганч шаҳри, Саноатчилар ва Хонқа кўчасида жойлашган **«Қурилиш монтаж участкаси»** МЧЖнинг қуйидаги кўчмас мулклари лотларга бўлинган ҳолда бозор қийматида қўйилмоқда:

| № | Кўчмас мулклар номи | Қурилиш ости майдони | Бошланғич баҳоси (сўмда) |
|---|---|---|---|
| 1 | Паракамера | 205,4 метр | 16 668 662 |
| 2 | Битум ямаси №1 | 192,00 кв. метр | 5 248 368 |
| 3 | Битум ямаси №2 | 278,25 кв. метр | 7 606 033 |
| 4 | Битум ямаси №3 | 508,70 кв. метр | 13 905 441 |

Ушбу мол-мулклар 2014 йил 9 январдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йил 10, 13, 14 ва 16 январ кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда - расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, «Xorazm ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖ ҳисоб рақамига 10 фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт. Ариза қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 17:00да тўхтатилади. Ҳисоб рақами 20208000804935791001 АТИБ «Ипотека банк» Тинчлик филиали МФО: 00580, СТИР: 302101924.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

**Телефон: 8(362)-226-88-87. Расмий сайтимиз: www.uy-joy.uz**

**Лицензия RR-0054.**

Тошкент шаҳар Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан 2012 йил 21 июнда № 007635-10 рақами билан рўйхатдан ўтган «Касаба таъмир» шўъба корхонаси ЎзКУФКнинг 2013 йил 23 ноябрдаги 14-09 (о) сонли қарорига асосан тугатилганлиги маълум қилинади.

Эътирозлар бўйича мазкур эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида 212-42-31 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ishonch
2013-yil 10-dekabr № 149 (3342)

# «Ўзбекистонда қалбимиз қувончга тўлди»





*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Пойтахтимиз узра оқшом чўкканида сайёҳлар «Саёҳат сари» меҳмонхонасида ҳордиқ чиқариб, ўзбек таомларидан баҳраманд бўлишди. Ўзбекистондаги қозоқ миллий-маданий маркази хонандалари ижросидаги маданий-маърифий тадбир уларга янада хуш кайфият бағишлади.

Аксарият меҳмонлар Ўзбекистонга илк бор келишганини айтиб, юртимиз ҳақидаги тасаввур, таассурот ва ҳайратларини изҳор этишди. Пойтахтимизнинг фусункорлиги, бу ерда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилаётгани, ўз навбатида, шаҳарнинг нақадар озода ва саранжом-саришталигини мамнуният билан таъкидлашди.

Эртаси куни тонгда меҳмонлар «Afrosiyob» поезди билан Самарқандга жўнаб кетишди.

* * *

— Юрт кўриш, сайру саёҳат инсонни маънан юксалтиради. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошида ташкил этилган шўъба корхонамиз юртдошларимизга ана шундай имкониятларни яратиб бериб, нафақат касаба уюшма аъзолари, балки қўшни давлатлардаги ҳамкорларимиз эътирофига ҳам сазовор бўлмоқда, — дейди «Касаба сайр» шўъба корхонаси раҳбари Тўлқин Хидиров меҳмонларни кўҳна Самарқанд сари бошларкан. — Айниқса, баҳаво масканда касаба уюшмалари тасарруфидаги меҳмонхонанинг ишга туширилиши қадимий шаҳарга келувчиларга яна бир имконият яратди. Меҳмонхонага қўниб кетаётган меҳмонлар сони ортиб бормоқда. Арзон қўналға, сифатли хизмат, мукаммал шароит саёҳатчиларга манзур бўлмоқда.

Шўъба корхонамизнинг қўшни давлатларгача овозаси етганлиги бизни жуда қувонтиради. Бугун Самарқанд шаҳрига 50 нафар қозоғистонлик касаба уюшмаси фаоллари, меҳнаткашлар вакилларининг ташриф буюриши саъй-ҳаракатларимиз самарасидир.

Тубдан қайта бунёд этилган, халқаро талаб ва меъёрларга тўла жавоб бера оладиган вокзалда хорижлик меҳмонларни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Фарҳод Хидиров ва фаоллар кутиб олишди.

— Шарқнинг дурдона шаҳри бўлган Самарқандга ҳар бир Қозоғистон фуқароси келишга интиқ. Касаба уюшмалари ташаббуси билан шундай саёҳат уюштирилганидан мамнунмиз. Эрта тонгдан Тошкентдан барча ҳавас қилаётган «Afrosiyob» тезюрар поездида йўлга отландик. Манзилга етиб келганимизни сезмай қолибмиз. «Afrosiyob» Тошкентдан Самарқандгача бўлган 344 километрлик масофани икки соатда босиб ўтди. Поездда йўловчиларга барча қулайликлар яратилган. Айниқса, вагонлардаги мўътадил ҳарорат бизга жуда маъқул бўлди. Хоналар қулай, юмшоқ ўриндиқлар билан жиҳозланган. Ходимларнинг муомала маданияти ҳам аъло даражада. Йўл бўйи ҳавас қилса арзигулик бунёдкорликларга гувоҳ бўлдик, — дейди Қозоғистон Республикаси касаба уюшмалари қошидаги «Акмала» туристик фирмаси раҳбари Владимир Жуков. — Бундан сўнг ҳам тарихий шаҳарга меҳнаткашлар ташрифини тез-тез ташкил этишни ният қилганмиз. Ахир бой ўтмишдан гувоҳлик берувчи ёдгорликларни минг эшитгандан бир бор кўрган афзал-да.

Қозоғистонлик меҳмонлар ўтирган автобус, энг аввало, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий қадамжоси томон йўл олди. Мусулмон оламида катта шуҳрат қозонган беназир бобокалонимиз ҳоки пойини тавоф қилиш орзусида юрганлар оз эмаслигига яна бир марта гувоҳ бўлдик. Кўз ўнгингдан жаннатмонанд диёрнинг далалари, қишлоқлари рангин бўёқлардек ажиб жозиба касб этиб лип-лип ўтади. Ҳеч кимнинг сукунатни бузгиси келмайди. Айниқса, юрт жамолини ўзгалар кўзи билан кўриш ифтихор уйғотиб юбораркан. Шокила кокиллари ерга чулғонган мажнунтоллар қуршовидаги зиёратгоҳ кўзга ташланади. Ажиб бир манзара сусти босгандек туюлади меҳмонларимизни...

— Имом ал-Бухорий ҳазратларининг беназир хизматлари бутун дунёга машҳур, — дейди қозоғистонлик меҳмон Дамиш Ўринбекова. — Биз бу қадамжодаги улкан бунёдкорлик ҳақида эшитганмиз. Мана, кўзимиз билан кўрдик. Ўзбекистоннинг қадим маданияти, аждодлар меросини асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказиш борасидаги ибратли ишлари бутун Шарқ ва Ғарб оламига андаза бўлғусидир.

Сўнг меҳмонлар Мирзо Улуғбек расадхонаси, Регистон майдони, Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилишди. Самарқандда бунёд этилган замонавий иншоотлар, обод ва кўркам кўчаларни кўздан кечиришди.

— Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент, қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳарлари бундан бир неча йиллар олдингисидан тамомила фарқ қилади. Шундай гўзал қиёфа бахш этганки, уларга боқиб, нафақат кўзинг, кўнглинг ҳам қувонади, — дейди Остонадан ташриф буюрган касаба уюшмаси вакили Бисара Алиева. — Қисқа фурсатда ақл бовар қилмас ўзгаришлар амалга оширилибди. Юртингиздаги бунёдкорлик ишларига тан бермай ҳеч илож йўқ. Ўзбек диёрига кўз тегмасин!

Суҳбатни касаба уюшмалари тасарруфидаги «Нодир Самарқанд» меҳмонхонасида давом эттирдик.

**Гулсин Ўринбоева,**
**Жамбул вилоят касаба уюшма ташкилоти раҳбари:**

— Халқларимиз азал-азалдан ёндош, жондош ва қон-қариндош. Самарқанд нафақат ўзбеклар, балки бизнинг ҳам фахримиз саналади. Бизга тарихий диёр билан танишиш, улкан ўзгаришларга шоҳид бўлиш имкониятини яратиб берган ташкилотчиларга раҳмат. Шундай ҳамкорлик алоқалари мустаҳкам бўлсин. Мамлакатимизда нафақат Самарқанд, балки Бухоро, Хоразм, Шаҳрисабз сингари тарихий шаҳарларни ҳам кўриш истагида бўлганлар оз эмас. Ўйлайманки, жамоат ташкилотларимиз бу борада ҳамкорликни кучайтириб, халқимиз орзуларини рўёбга чиқарадилар.

**Ирина Доценко,**
**Павладор туристик ОАЖ менежери:**

— Самарқанд саёҳатидан қалбларимиз жўшиб кетди. Шундоқ ёнгинамизда баҳри дилинг очиладиган шаҳарлар бор экан, нечук биз улар билан ғурурланмаслигимиз керак. Ўзбекистоннинг ютуғи бизники ҳамдир. Шу фахр қалбимизни бир умр тарк этмаслигини истардим.

Меҳмонлар «Сиёб» деҳқон бозорида ҳам бўлишди. Бу кўҳна ва навқирон заминда етиштирилган минг дардга даво мевалару Самарқанд нонларидан харид қилишди. Улар бозордаги арзончилик, тўкинчиликдан ҳайратланганларини яшириб ўтиришмади ҳам.

— Боғларидан баҳор кетмайдиган юрт қайси деса, мен Ўзбекистон деган бўлардим, — дейди асл касби ҳисобчи бўлган Тўлқин Мустафина. — Дунёда бундай сероб бозорлар кам. Жаннатий меваларни ҳамма ердан топиб бўлмайди. Юртингиздаги фаровонлик, дастурхонлардаги тўкинчилик рамзи бу.

Меҳмонлар атрофга тун пардаси ёйила бошлаганида Тошкент ва Самарқанд саёҳатидан мамнун бўлиб ўз юртларига жўнаб кетдилар.

**Нарзулла МАҲАМОВ,**
**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбирлари**







## ФУТБОЛ

# Қуръа ташланди

*Ўтган ҳафта охирида Бразилиянинг Мата-ди-Сан-Жуан шаҳрида футбол бўйича 2014 йилги жаҳон чемпионатига қуръа ташланди.*

Қуръа натижаларига кўра, мусобақа мезбони — Бразилия терма жамоаси **«А» гуруҳи**да Хорватия, Мексика ва Камерун терма жамоаларига қарши баҳс олиб борадиган бўлди. Амалдаги жаҳон ва Европа чемпиони — Испания терма жамоаси Голландия, Чили ва Австралия билан бирга **«В» гуруҳи**дан ўрин олди.

Колумбия, Греция, Кот д'Ивуар ва Япония терма жамоалари **«С» гуруҳи** квартетини ташкил этишган бўлса, Уругвай, Коста-Рика, Англия ва Италия **«D» гуруҳи**да иштирок этади. **«Е» гуруҳи**да Швейцария, Эквадор, Франция ва Гондурас терма жамоалари баҳс олиб боришади.

**«F» гуруҳи**да саралаш босқичида Ўзбекистон миллий терма жамоасига рақиблик қилган Эрон эндиликда Аргентина, Босния ва Герцеговина ҳамда Нигерияга қарши тўп суради. **«G» гуруҳи**дан Германия, Португалия, Гана ва АҚШ, **«Н» гуруҳи**дан Бельгия, Жазоир, Жанубий Корея ва мусобақадаги МДҲнинг ягона вакили — Россия ўрин олган.

Футбол бўйича жаҳон чемпионати баҳслари 2014 йилнинг 12 июн — 13 июл кунлари Бразилиянинг 12 шаҳрида бўлиб ўтади.

## ОММАВИЙЛИК САРИ

***Фориш туманидаги «Османсой» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 30-мактаб-интернатнинг спорт комплексида баскетбол бўйича мусобақа ўтказилди. Унда тумандаги 2, 6, 7, 16, 29, 30, 35-умумтаълим мактаблари ҳамда «Эгизбулоқ» ижтимоий хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи аёллар ва эркаклар жамоалари иштирок этди.***

# Тармоқ ходимлари беллашуви

Ғоят қизғин кечган мусобақаларда эркаклар жамоалари ўртасида 30-мактаб-интернат биринчи, 16-мактаб иккинчи, «Эгизбулоқ» касб-ҳунар коллежи учинчи ўринни қўлга киритди. Аёллар жамоаларидан 2-мактаб биринчи, 30-мактаб-интернат иккинчи, 7-мактаб учинчи ўринни эгаллади. Т. Исломов, Ш.Холназаров, Г.Жўраева, Ф.Абдурасулова (30-мактаб), С.Назаров, Ф.Қувноқов (16-мактаб), И.Тувалов (29-мактаб), А. Жумабеков, И.Йўлдошева (2-мактаб), М.Султонов, Б.Жўраев («Эгизбулоқ» касб-ҳунар коллежи), Л.Шокирова, Ф.Мавлонова (7-мактаб)лар фаол иштирокчилар сифатида эътироф этилди.

Ғолиб жамоалар ва фаол иштирокчилар тармоқ ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

«Энг кекса ўйинчи», «Энг ёш ўйинчи», «Энг яхши ҳакам» номинациялари бўйича А.Назаров (16-мактаб), Ў.Исломов, Х.Қурбонов, Р.Холиқов (30-мактаб), М.Сафарова (2-мактаб), С.Райимқулов (туман БЎСМ), Я.Жумаев (1-мактаб)ларга эсдалик совғалари топширилди.

Туманимиздаги 78 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчи ҳамда фаоллари томонидан шундай мусобақаларни олис ва чекка қишлоқларда ҳам тез-тез ўтказиш режалаштириб олинди.

**Найим МАХАММАТОВ,**
**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Фориш туман кенгаши раиси**

# Жонли мулоқот

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ташкил этилган тадбирда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва 250 нафар ёшлар иштирок этган бўлса, Нарпай туманидаги қурилиш ва коммунал хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, Каттақўрғон шаҳридаги педагогика ва тиббиёт, Қўшработ туманидаги қишлоқ хўжалиги ва маиший хизмат коллежларида ташкил этилган маданий-маърифий учрашувларда 1242 нафар маҳалла фуқаролари ва ёшлар иштироки таъминланди.

Айниқса, Нуробод туманидаги 18-болалар ва ўсмирлар мусиқа мактаби ва иқтисодиёт ва сервис, Пахтачи туманидаги тиббиёт ва қишлоқ хўжалик, Каттақўрғон туманидаги қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт коллежларида маҳаллий аҳоли, талаба-ёшлар, ишчи-хизматчилар иштирокидаги тадбирлар қизғин мулоқот руҳида кечди.

Ана шундай кўтаринкилик Ургут иқтисодиёт, Булунғур туманидаги педагогика ҳамда қишлоқ хўжалик коллежлари, Пастдарғом туманидаги Янгировот ва «Қоқсой» маҳалла фуқаролари йиғинларида ўтказилган тадбирларда кузатилди.

Оқдарё туманидаги маиший хизмат, хизмат кўрсатиш ва сервис коллежларида, Самарқанд туманидаги Равонак қурилиш ва миллий ҳунармандчилик, Гулобод ижтимоий иқтисодиёт коллежларида, Пайариқ туманидаги Халқабод, «Каттасайдов» маҳалла фуқаролар йиғинларида маҳаллий аҳоли, коллеж ўқувчилари ва ўқитувчилар, ташкилотларда фаолият юритувчи ишчи-хизматчилар иштирокидаги маданий-маърифий тадбирлар ҳам иштирокчиларда катта таассуротлар қолдирди.

Жомбой туманидаги маиший хизмат ва енгил саноат, Тайлоқ туманидаги педагогика ва агротадбиркорлик, Иштихон туманидаги қурилиш ва коммунал хўжалик ва педагогика коллежларида ўтган маданий-марифий, тарғибот тадбирлари 1510 нафардан ортиқ иштирокчига кўтаринки кайфият бағишлаш билан бирга, уларнинг мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги хайрли саъй-ҳаракатларида куч-қувват бахш этди.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Самарқанд шаҳар маркази, Архитектура ва қурилиш институти, «Саховат» уйи, Санъат коллежида ташкил этилган худди ана шундай маданий-маърифий тадбирлар ҳам иштирокчиларга бир олам завқ-шавқ улашди.

Бир сўз билан айтганда, тарғибот гуруҳи томонидан вилоятда 37 та маданий-маърифий, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилиб, уларда 10 мингдан ортиқ фуқаро ва ёшлар иштироки таъминланди. Энг муҳими, ушбу тадбирлар юртдошларимиз, айниқса, ёшларни ҳаётга янгича назар, янгича тафаккур билан қарашга, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан огоҳ бўлиб яшашга, мустақиллик қадр-қимматини англаб етишга, уни кўз қорачиғидак асраб-авайлашга даъват этиши билан алоҳида аҳамият касб этди.

**Ўз мухбиримиз**

Газетанинг навбатдаги сони 14 декабр, шанба куни чиқади.

## Танлов

# «Менинг онажон тилим»

***ЎзМУ Маданият саройида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Менинг онажон тилим» кўрик-танловининг якуний қисми ва ғолибларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда Хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, ҳамкор ташкилотлар, Тошкент шаҳридаги 33 та олий ўқув юртининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорлари, қўмита бошланғич ташкилотлари раислари, талабалар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.***

Тадбирни Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг, «Менинг азиз китобим» композицияси воситасида Конституциямизнинг моҳияти, фуқаролар ҳаётидаги ўрни, уни ўрганишнинг халқчил усуллари, бугунги ютуқлар ва инсон ҳуқуқи энг олий қадрият экани атрофлича ёритиб берилди.

Натижаларга кўра, 30 нафар талаба танлов ғолиби деб топилиб, уларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, танловни юқори савияда ўтказишга кўмаклашган Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ректори Қ.Абдураҳмонов қўмитаниниг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

— Танловда «Айрилиш лаҳзалари» монологи билан иштирок этдим, — дейди Турин политехника университети 1-босқич талабаси Рустам Қобилов. — Унда она тилимиздаги бадиий ифодалардан унумли фойдаландим. Танловда қатнашганимдан хурсандман. Тенгқурларимнинг нодир адабиётлардан олинган лавҳалар мисолидаги чиқишлари ҳам менга манзур бўлди. Танлов орқали сўз бойлигимиз яна ҳам ошди.

Тадбир ниҳоясида ЎзМУ талабалари томонидан тайёрланган миллий қадриятларимиз, асосан, тилимизга бўлган ҳурмат акс этган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

**Сурайё ЭШНАЗАРОВА,**
**ЎзМУ журналистика факултети талабаси**

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Марказий кенгашнинг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Ҳамроқул Қодировга акаси

**Рўзиқул ҚОДИРОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Акбар Турсуновга онаси

**Чиннихол ТУРСУНОВА**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: N.Rafiqov
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 1211 | 13521 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5